

**НЕВРОЗ КАСАЛЛИГИ ВА НЕВРОТИК ҲОЛАТЛАРНИНГ ТАДҚИҚ  
ЭТИЛИШИ ВА НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ**

**Толиб Бекмиров**

Тошкент тиббиёт академияси

катта ўқитувчи

[tolib.bek@mail.ru](mailto:tolib.bek@mail.ru)

**ПРАВОВАЯ ОСНОВА ИЗУЧЕНИЯ НЕВРОЗОВ И  
НЕВРОТИЧЕСКИХ СОСТОЯНИЙ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ  
ИНВАЛИДНОСТИ**

**Толиб Бекмиров**

Ташкентская медицинская академия

старший преподаватель

[tolib.bek@mail.ru](mailto:tolib.bek@mail.ru)

**LEGAL BASIS OF THE STUDY OF NEUROSIS AND NEUROTIC  
CONDITIONS AND DETERMINATION OF DISABILITY**

**Tolib Bekmirov**

Tashkent Medical Academy

Senior Lecturer

[tolib.bek@mail.ru](mailto:tolib.bek@mail.ru)

**Аннотация:**Дунё аҳолисининг кўпчилигида невроз ҳолатлари кузатилади, ва бу тушунча кўпчилигимиз учун таниш, лекин мазмун моҳиятини билмаслигимиз мумкин. Ҳозирги даврда ўсмир ёшларнинг кўпчилигида, ўтиш даврида невроз ҳолатлари учраб туради. Ушбу мақоламизда биз айнан невроз тушунчаси ва унинг психологик хусусиятлари, талқини, невротик ҳолатларни ҳақида ва жамиятимизда невроз билан боғлиқ касалликларнинг тиббий ҳуқуқлари ҳақида маълумот берамиз.

**Аннотация:**Большая часть населения мира страдает неврозами, и это понятие знакомо большинству из нас, но мы можем не знать его значения. В настоящее время у большинства подростков неврозы переходного периода. В этой статье мы предоставим информацию о понятии невроза и его психологических характеристиках, интерпретации, невротических состояниях и медицинских правах на связанные с неврозом заболевания в нашем обществе.

**Abstract:**Most of the world's population is affected by neurosis, and this concept is familiar to most of us, but we may not know the meaning. At present, most of the teenagers have neurosis during the transition period. In this article, we will provide information about the concept of neurosis and its psychological characteristics, interpretation, neurotic conditions, and the medical rights of neurosis-related diseases in our society.

Невроз атамаси базан кулоғимизга чалиниб туради, лекин психологлар ва неврологлар учун одатий иш жараёнига боғлиқ термин ҳисобланади. “Невроз” атамасини фанга биринчи бўлиб 1776 йили шотландиялик врач Келлен таклиф қилган. Бироқ невроз касаллиги жуда қадимдан маълум. Маълумотларга кўра дунё аҳолисининг 20% да невроз мавжуд ва бу кун сайин ортиб бормоқда.

Неврозни кўплаб олимлар, шу жумладан психологлар, неврологлар, физиологлар ўрганишган. Невроз борасида Зигмунд Фрейд: “Невроз – бу ички зиддиятлар ҳосиласи”, Альфред Адлер: “Невроз – касаллик эмас, балки нотўғри ҳаёт тарзидир”, Карен Хорни: “Невроз – инсонлар орасидаги нотўғри

муносабатлар оқибатидир” деган таърифларни беришган. Профессор З.Р. Ибодуллаевнинг “Асаб ва руҳият” китобида “Невроз – асаб тизимининг функционал касаллиги бўлиб, инсонга руҳий жароҳат етказувчи ташқи ва ички омиллар натижасида ривожланади. Демак, невроз асаб касаллигидир.”[1] деб таъриф берилган. Невроз касаллигини тиб илмининг султони мутафаккир Абу али Ибн Сино ҳам мукамал ўрганган. Ўша даврларда неврозга шундай таъриф берилган: “бу касалликда тана ҳарорати кўтарилмайди, бирон-бир аъзо зарарланмайди, танада лат еган жойлар бўлмайди, бироқ беморнинг асаби бузилган бўлади”.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида бир нечта неврозлар кўрсатиб ўтилган: **Неврозлар** – узок давом этган руҳий изтироблар натижасида нерв системаси фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган асабий руҳий касалликлар; ўзаро яқин функционал руҳий касалликлар (неврастения, истерия, психастения) , эмоционал ёки ақлий жиҳатдан толиқиш натижасида, кўпинча инфекцион ва бошқа касалликлар таъсирида юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам невроз ва невротик ҳолатлар ўз ифодасини топган.

Хусусан “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 08.02.2022 йилдаги 62-сон қарорида тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва уларга ногиронликни белгилаш соҳасидаги асосий вазифалари, ҳуқуқларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш ва баҳолаб бориш тартибини назарда тутувчи кўрсатмалар белгиланган.

Фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомининг 9-илоvasида 18 ёш ва ундан катта ёшдаги шахсларда ногиронликка олиб келувчи асосий касалликлар рўйхати ва ушбу

касалликларда ногиронликни белгилаш мезонларида невроз касаллигига боғлиқ куйидаги бандлар кўрсатилган.

### 1-жадвал

#### Стресс ва соматоформ бузилишларга боғлиқ бўлган невротик бузилишлар Неврозлар ХКТ-10 (F40-48)

| <p>Ушбу қисмга асаб тизими жараёнларининг (қўзғалиш ва сустрлашиш) узок муддат давомида рухий зўриқиш омиллари таъсири остида кучайиш натижасида асаб тизимининг вақтинчалик бузилишидаги бир қатор касалликлар мансуб. Неврозларнинг турлари: астеник, обсессив-фобик, депрессив, истерик, ипохондрик</p> |  |  |                   |
|--|--|--|-------------------|
| Организм функцияларининг бузилиши даражаси   | Клиник-функционал бузилишларнинг тавсифи   | Ҳаёт фаолияти ва лаёқат чекланиш даражаси: | Ногиронлик гуруҳи |
| I даража   | Невротик бузилишлар (6 ойдан кўп бўлмаган), тез толиқиш, жиззакилик ва вегетатив бузилишлар билан меҳнатга ва ўз ҳолатига танқидий муносабатининг сақлаб қолиниши билан намоён бўлади. | Ҳаёт фаолиятида чекловлар мавжуд эмас      | ВМК бўйича чеклаш |
| I даража   | Чўзилган невротик бузилишлар (6 ойдан ортиқ), рухий-жисмоний зўриқишнинг ошиши, субдепрессив, фобияли, ипохондрик бузилишлар, ўз   | Мулоқот қилиш — I даража; ўз хулқ-атворини | III гуруҳ         |

|                 |  |   |                 |
|-----------------|--|---|-----------------|
|                 | касалигининг жуда оғирлиги ҳақида ўта қимматли ғоялар ҳамда субкомпенсация босқичидаги қўшимча соматик касалликлар билан намоён бўлади.  | назорат қилиш — I даража; меҳнат фаолияти билан шуғулланиш — I даража   |                 |
| <b>I даража</b> | Бир йилдан ортиқ давом этувчи барқарор невротик бузилишлар (шахсининг невротик ривожланиши, даволанишга резистент), чуқур руҳий тушкунлик, фобик бузилишлар билан кечувчи шилқим ҳаракатлар, васваса ғоялар, истерик тризмлар (мутизм, парез, фалажланиш ва талваса хуружлари) билан намоён бўлади. Бундай ҳолларда ҳолатни мураккаблаштирувчи сабаб декомпенсация босқичидаги соматик касалликларнинг мавжудлиги хисобланади. | Мустақил ҳаракат қилиш — II даража; мулоқот қилиш — II даража; ўз хулқ атворини назорат қилиш — II даража; ўқиш — II даража; меҳнат фаолияти билан шуғулланиш — II даража | <b>II гуруҳ</b> |

Неврозлар анча кенг тарқалган касаллик бўлиб, асосан, асаб тизими туғма ёки ҳаётда орттирилган заиф кишиларда кузатилади. Неврозларда марказий нерв системасида ҳам, ички аъзоларда ҳам жиддий органик

ўзгаришлар бўлмасда, бош миёда кечадиган асосий жараёнлар — кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабатлари бузилади. Неврозларда психозлардан фарқли ўлароқ, беморлар ўз касалликларига нисбатан танқидий муносабатда бўладилар. Неврозларнинг асосан 3 та — истерия, неврастения ва психастения (миядан кетмайдиган ҳолатлар) тури фарқланади. Айрим «аъзолар неврози» (юррак, меъда, ўпка) ҳозирги вақтда неврозларнинг алоҳида тури эмас, балки унинг сомато-вегетатив белгилари деб ҳисобланади. Неврозлар кўп учрайди ва йилдан-йилга кўпайиб бориш қонунига эга. Неврозларнинг айрим турлари келиб чиқишида киши шахсининг касаллик олди хусусиятлари (преморбид) катта аҳамиятга эга. Шунингдек, олий нерв фаолияти ожизроқ кишилар шундай фаолияти кучли кишиларга нисбатан неврозларга кўпроқ мойил бўладилар. Бундан ташқари, биринчи сигнал системаси юқорироқ бўлган кишиларда истерия, иккинчи сигнал системаси кучлироқ бўлганларда эса миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози кўпроқ учраши исботланган. Булар аралаш невротик ҳолатлар кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Неврозларни даволашда психоген омилларни бартараф этиш зарур. Дори-дармонлар билан бирга психотерапия ҳам муҳим аҳамиятга эга.

#### Адабиётлар:

1. Зарифбой Ибодуллаев. Асаб ва Руҳият. Ташкент – 2015
2. Бекмиров, Т. (2021). Психологические особенности неврозов у подростков. Общество и инновации, 2(10/S), 541-547.
3. Бекмиров, Т. Р. (2022). ПОНЯТИЯ НЕВРОЗА В ПСИХОЛОГИИ И ИХ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(3), 90-93.
4. <http://lex.uz//ru/docs/5852486> Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

5. Бекмиров, Т. (2023). ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ МАТЕРЕЙ ДЕТЕЙ С ОТКЛОНЕНИЯМИ В РАЗВИТИИ.
6. Бекмиров, Т. Р. (2023). ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ВЛИЯНИЕ МАТЕРИ НА ИЗМЕНЕНИЯ В ПСИХИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И ПОВЕДЕНИЕ РЕБЕНКА. *Gospodarka i Innowacje.*, 33, 215-220.
7. Векмиров, Т. (2021). НЕВРОЗ-ЗАБОЛЕВАНИЕ. ЧТО НАМ НУЖНО ЗНАТЬ О НЕМ.